ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА ИНФОРМАЦИОН КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННО И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОЛОМНИЧЕСКОМ ТУРИЗМЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATIONS TECHNOLOGIES IN PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN

Калит сўзлар: *QR, GPS, SMS, туризм, ахборот технологиялари, ривожланиш.*

Ключевые слова: *QR, GPS, SMS, туризм, информационные технологии, развитие*

Key words*: QR, GPS, SMS, tourism, information technology, development*

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда илк бора ўтказилган биринчи халқаро зиёрат туризми форуми Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Вақф» хайрия жамоат фонди, Ташқи ишлар вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимияти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) ҳамда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) кўмагида ташкил этилди. Тадбирда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан 120 дан зиёд вакиллар иштирок этди. Туризм қўмитаси қошидаги «Миллий PR-марказ» ҳамда «Global Muslim Traveler Index» доирасида «MATTA» (Малайзия), «Crescent Rating» (Сингапур) ассоциациялари, Жакарта тарғибот фонди (Индонезия) ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Юртимизда зиёрат туризмини жадал ривожлантириш, инновацион, информацион коммуникация технологиялари орқали туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризмни ривожлантириш ҳи-

собига ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, компьютерлаштириш, мобил илова дастурларини яратиш, маълумотлар базаларини шакллантириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва мувофиқлаштирилмоқда.

Ўзбекистонда зиёрат туризмини янада ривожлантириш, ушбу йўналишда мамлакатимиз жозибадорлигини ошириш ва замонавий инновацион компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда халқаро рейтингни ошириш бўйича бир қанча ишлар бажарилмоқда.

Зиёрат туризми хусусида гапирганда фақатгина мусулмон давлатларидан келувчи сайёҳлар ҳақида ўйлаш нотўғри. Исроилдан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига саёҳат қилаётган минглаб кишилар Ўзбекистон аэропортларидан транзит сифатида фойдаланмоқда. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида буддизмга алоқадор кўплаб обидаларни зиёрат қилишга Япония, Жанубий Корея, Хитой давлатларидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш учун етарлича имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилган. Масалан, Малайзияда ҳозир ҳажга бориш навбатини 35-42 йил кутишга тўғри келади. Индонезияда эса ўрта ҳисобда ойига 85-100 мингга яқин киши Туркия орқали умрага қатнамоқда. Ўзбекистон бевосита улар учун транзит вазифасини ўташи мумкин. Юртимизда ушбу икки давлат аҳолиси учун ҳам муқаддас бўлган Бухорий, Термизий, Мотуридий каби улуғ шахсларнинг зиёратгоҳлари бор. Шундан келиб чиқиб, Малайзия ва Индонезия ҳожилари Маккага бориш йўлида Ўзбекистонда бир ҳафта вақтини ўтказиши мумкин. Бу ўз навбатида бюджетга молиявий тушумни кўпайтиради ва ривожлантиради [1].

Мусулмон давлатлари, айниқса, Малайзия, Индонезия каби мамлакатлардан Ўзбекистондаги муқаддас қадамжоларга сайёҳларни жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг «Зиёрат туризми» бўлими ишини яққол кўришимиз мумкин. Зиёрат туризми бўйича гидларни қайта тайёрлаш, маълумотнома китобчаларининг янги таҳririни нашр этиш, Android платформасида ишлайдиган туристик дастурларни яратиш, баннерлар, тарқатма материаллар, буклетлар, замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиб слайдлар тайёрлаш, мультимедиа дисклар, муборак қадамжоларни зиёрат қилиш одобларини ишлаб чиқиш, аэропорт ва виза бериш хизматларини енгиллаштириш ҳамда хорижий ҳамкорлар, элчихоналар билан алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ўз кучини намоён этмоқда [2].

Замонавий ахборот технологиялари зиёрат туризмини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги вақтда зиёрат туризмида интернет-туристик хизматларни реклама қилиш саёҳат агентлигининг самарали веб-сайтини яратмасдан унинг ишини автоматлаштириш жараёнини амалга оширмайди. Ушбу мақола зиёрат туризми соҳасини такомиллаштиришга қаратилган интернет технологияларини таҳлил қилишга бағишланган. Мақоланинг амалий аҳамияти минтақада зиёрат туризми соҳаси фаолиятини қўллаб-қувватловчи замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллашдан иборат.

Современные информационные технологии вносят значительный вклад в развитие поломнического туризма. Реклама поломническом туристических услуг в сети Интернет в настоящее время невозможна без создания эффективного сайта турфирмы. Данная статья посвящена анализу Интернет-технологий, направленных на совершенствование деятельности поломническом туристской сферы. Практическая значимость исследования состоит в выявлении информационных сервисных технологий, обеспечивающих деятельность поломнического туризма региона.

Modern information technologies make a significant contribution to the development of pilgrim tourism. Advertising of pilgrim tourist services on the Internet is currently impossible without creating an effective travel agency website. This article is devoted to the analysis of Internet technologies aimed at improving the activities of the pilgrim tourist sphere. The practical significance of the study consists in identifying information service technologies that provide for the activities of the pilgrim tourism in the region.

2017 йилнинг 28 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра Ўзбекистонда Янги йил, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитида қўшимча дам олиш кунлари белгиланди. Байрам муносабати билан бериладиган қўшимча дам олиш кунлари эвазига ҳамюртларимиз оила даврасида

яқинлари билан ҳордиқ чиқариш, байрамни кўнгилдагидек нишонлаш учун зиёратгоҳларга бориш имконига эга бўладилар.

Туризмни халқаро ва маҳаллий бўлишидан қатъи назар замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги замон туристлари замонавий ахборот технологияларисиз ҳордиқ чиқара олмайдилар. Ўзбекистон дастурчилари томонидан яратилган «Хива Аудио Гид» дастури орқали Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойларини аудио форматида тинглашлари, QR-кодидан фойдаланиш мумкин. QR-код (англ. Quick Response Code — зудлик билан бажариш коди). 2017 йилда яратилган дастурда GPS тизими бор [3].

Туризм бизнеси мобил бизнес ҳисобланади. Унинг вакиллари доимий равишда мижозлар билан алоқада бўлиши керак, ҳар қандай вазиятни узоқдан мувофиқлаштириши, ҳар қандай савол ва шарҳларга имкон қадар тез жавоб бера олиши, сўнгги дақиқалар ва саёҳатларга тайёр бўлишлари керак. Чет элда ахборот технологиялари бир қатор йирик туристик ва ижтимоий-маданий лойиҳаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Минтақада сайёҳликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда ахборот тизимлари алоҳида ўрин тутади [4].

Мобил технологиялар сотувда жуда муҳим рол ўйнайди. Бугунги кунда саёҳатчилар мобил телефонидан ҳаво сафарлари учун ҳақ тўлашлари, рўйхатдан ўтиш ва чиқиш учун керакли штрих маълумотларни олишлари мумкин. Ахборот оқимлари туристик хизматлар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи хизмат ҳисобланади. Улар нафақат ахборот оқимлари шаклида, балки хизматлар ва тўловлар шаклида ҳам ҳаракат қилишади.

Туризм, режалаштириш ва бошқариш соҳасида туристик (ТИС) ва жўғрофий ахборот тизимлари (ГИС) дан фойдаланган ҳолда минтақавий даражада сайёҳлик бизнесини ахборот билан таъминлашнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилиш мумкин. Жўғрофий ахборот тизими (географическая информационная система, ГИС) — график харитани сақловчи ва қайта ишловчи тизим. Сайёҳлик ва жўғрофий ахборот тизимларини яратиш ва амалиётда халқаро тажрибани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу тизимлар статистик тўплам сифатида қаралиши мумкин. Бу минтақада сайёҳлик бизнесида режалаштириш, тадқиқот ва маркетинг қилишнинг ажралмас воситаси [5].

Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси Некруз Патуллаев «Зиёрат туризми» бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилли фойдаланувчиларга мўлжаллаб андроид платформасида ишловчи геолакацион тизим яратди. «Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар» факультетининг «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедрасининг 4-курс талабаси томонидан тайёрланган мазкур иловадан фойдаланувчилар Бухоро вилоятининг диний, тарихий, маданий зиёратгоҳлари суратларини томоша қилишлари, Бухорода жойлашган муқаддас қадамжолар ҳақида батафсил маълумот олишлари, зиёратгоҳларнинг онлайн харитасидан фойдаланишлари мумкин. Ушбу тизимнинг Интернетга мўлжалланган қисми http://naqshband.iiau.uz/ манзилида жойлашган бўлиб, унда «етти пир» ҳақидаги ажойиб маълумотлардан тўлиқ баҳраманд бўлиш мумкин [6].

Илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Академия дастурчилари Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО томонидан бутунжаҳон маданий мерос объекти сифатида тан олинган обидалари ва жойлари ҳақида хорижий сайёҳларга маълумот бериш, Ўзбекистон маданияти, санъати ва адабиёти, ўзбек халқининг тарихий-маданий меросини акс эттирувчи ноёб экспонатлар жамланган музейларни реклама қилиш йўлида интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш олиб боришни ният қилган.

Туризм бугунги кунда бизнес учун ахборот манбаи бўлиб, унда дунёдаги энг йирик авиакомпаниялар, меҳмонхона занжири ва туристик сайёҳлик операторлари қатнашмоқда. Шахсий компьютер ва Интернет, уларнинг мавжудлиги ва ишончлилиги жамиятнинг барча соҳаларига, жумладан, сайёҳлик, янги ахборот технологияларига кириб боришга кўмак беради [7].

Кўп йиллар олдин онлайн буюртмалар кичик тестлар оқими бўлиб, энди улар барча даромадларнинг чорак қисмини ташкил этадиган кучли оқимга айланди. Мисол сифатида CheckMyTrip ни айтиб ўтишимиз мумкин. Мана шу ишларнинг амалий натижаси сифатида Дин ишлари бўйича қўмитанинг «Зиёрат туризми бўлими» ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Замонавий ахборот ком-

муникация технологиялари» кафедраси томонидан яратилаётган портал яқин ойларда ишга тушиши режалаштирилган. Ушбу портал орқали маҳаллий ва хорижий сайёҳлар Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарлари, сайёҳлик манзиллари билан яқиндан танишишлари мумкин бўлади. Портал рус, инглиз, малай, немис, француз, испан, хитой ва корейс тилларида ишлаши режалаштирилган. Айни дамда портални янада бойитиш мақсадида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан туризм йўналишига доир турли материаллар тўпланмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, порталда қизиқарли материалларни ўқиш билан бирга ундан диққатга сазовор жойлар, кўнгилочар масканлар, музей ва тарихий обидалар ҳақида маълумот олиш имконияти яратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сайёҳлик хизматларини кўрсатувчи 730 дан зиёд корхона Интернет тармоғида ўз саҳифаларига эга, аммо уларнинг барчаси ҳақиқий иқтисодий муваффақиятга эга эмас. Агар биз сайёҳлик порталлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда онлайн-сайёҳлик бизнесининг энг машҳур йўналиши – бу мижозга қарор чиқариш учун иложи борича кўпроқ маълумот берадиган сайёҳлик хизматлари рекламасидир. Келажакда мижозга таъсир ўтказиш усулларини янада кўпайтириш мумкин [8].

Ҳозирда сайёҳлик сегментида рақобатбардошлик сайтни яратиш билан бевосита боғлиқ. Компаниянинг веб-сайти бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Бу сайёҳлик компаниясининг асосий реклама каналларидан бири, туристик маҳсулотни ёки хизматни илгари суришнинг энг самарали механизми. Компаниянинг сайтлари ўқилиши осон бўлган асосий маълумотларни тақдим этади. Сайтлардаги шарҳ ва блогларни яратиш истеъмолчиларнинг хотиралари ва истакларига асосланган [9].

Кўпгина сайёҳлик компаниялари веб-сайтларида дам олиш имкониятларини кенгайтиришни таклиф этадилар, масалан, Греция нафақат курорт ва пляж мамлакати, балки тош ва терапевтик дам олиш имконини берувчи мамлакат. Матнли маълумотларнинг оммавий ахборот воситалари билан бирлашиши сайёҳлик маконини ва истеъмолчига хос сайёҳлик хизматларини муайян вакили ташкил этади. Компаниянинг веб-сайти компания учун мақсадли аудитория билан ахборот ва коммуникация воситасидир [10].

Хулоса қиладиган бўлсак, тажрибанинг етишмаслиги туфайли сайёҳлик компаниялари баъзи истеъмолчилар талабларини инобатга олмайди. Кўплаб сайтларга оид маълумотлар фақатгина сайёҳларга қизиқишнинг умумий сони 32% ини ташкил этади. Кўпгина фойдаланувчилар экскурсия ва сайёҳлик компаниялари учун етарли миқдордаги маълумотни топа олмаганлари ва компанияларнинг ўзи потенциал мижозларни йўқотиши ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бунинг учун Android ва IOS тизимларига мўлжалланган зиёрат туризмини тарғиб этувчи мобил иловаларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. https://www.xabar.uz/uz/jamiyat/mamlakatimizda-turizm-qanday-rivojlanadi

2. https://sputniknews-uz.com/tourism/20171103/6737153.html

3. https://ictnews.uz/04/06/2018/ict-tourism-khiva/

4. https://soglom.uz/nigoh/ichki-turizm-ham-sayohat-ham-ziyorat/

5. Сборник статей XIII межвузовской научно-практической конференции студентов и аспирантов «Молодёжь, наука, творчество - 2015». Омск: Омский государственный институт сервиса, 2015. - Ч.2. - С.28-29

6. http://iiau.uz/index.php/uzbek/maqolalar/item/362-2018-11-22-17-50-58

7. Гриценко Ю. Состояние и перспективы использования Интернета в туристском бизнесе России / Юрий Гриценко, директор по рекламе сервера «100 Дорог» [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://internet15.narod.ru/8.htm.

8. Шаховалов Н.Н. Интернет-технологии в туризме [Электронный ресурс]. - Режим доступа: мhttp://tourlib.net/books_tourism/shahovalov13.htm.

9. Гуляев В.Г. Новые информационные технологии в туризме. – М.: «Издательство ПРИОР», 1999. – 144 с.

10. http://tourlib.net/statti_tourism/sychov.htm

Alimjon DADAMUHAMEDOV,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi «Zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologuyalari» kafedrasi katta o‘qituvchisi